

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Маъмурий қамоқ қандай ўталади

«Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»-ги Қонун (9.01.2017 йилдаги ЎРҚ-420-сон) «Халқ сўзи» газетасининг 10.01.2017 йилдаги 6 (6700)-сонидан чоп этилган ва расмий эълон қилинган кундан бошлаб 24 ой ўтгач кучга киради.

Тушунча ва асослари

Маъмурий қамоққа олиш — маъмурий жазо тури бўлиб, у шахсни жамиятдан вақтинча ажратиб қўйиш шароитларида сақлашдан иборат. Бу жазо 3 суткадан 15 суткагача бўлган муддатга, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун 30 суткагача бўлган муддатга қўлланилади.

Туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича судьясининг қарори маъмурий қамоқни ўташ учун асос бўлади.

Қонун билан маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг, шунингдек махсус қабулхоналарнинг маъмурияти ва ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ички тартиб қоидалари тартибга солинади.

Жазони ўташ жойлари

Белгиланишича, маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхоналардаги умумий камераларга ёки бир кишилик камераларга жойлаштирилади. Ка-

мераларда бир кишига тўғри келадиган майдоннинг нормаси камида 2,5 кв.метрни, аёллар учун эса камида 3 кв.метрни ташкил этади. Юқумли касалликларга чалинган беморлар сақланадиган камераларда 1 кишига тўғри келадиган майдон 4 кв.метрдан кам бўлмаслиги керак.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларга алоҳида ётоқ жойи, кўрпа-тўшак, идиш-товоқ ҳамда овқатланиш анжомлари берилади. Шунингдек улар ўзининг кийим-боши, пойабзали ва шахсий гигиена воситаларидан фойдаланишига рухсат берилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг шахсий хавфсизлиги таъминланади.

Махсус қабулхоналарда назорат ва текширувнинг аудиовизуал, электрон воситаларидан ва бошқа техник воситаларидан фойдаланилади.

Меҳнатга жалб этиш

Махсус қабулхоналарнинг маъмурияти ва ходимлари қамоққа олинган шахсларнинг ёзма розилиги билан уларни ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб эта оладилар (меҳнатга лаёқатсиз бўлганлар бундан мустасно). Бунда уларга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан — Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасидаги (21.07.2009 йилдаги 206-сон ВМҚга 1-илова) биринчи разряддан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш белгиланган.

Хоналардаги санитария-гигиена, маиший шароитларни яхшилаш, ички ишлар органи ёки махсус қабулхона ҳудудини ободонлаштириш билан боғлиқ

бўлган, давомийлиги суткасига 2 соатдан кўп бўлмаган ишларга ҳақ тўланмайди.

Куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш имконияти

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар билан маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан қонуний талабларнинг бажарилишини таъминлашнинг иложи бўлмаса, улар жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш, шунингдек махсус қабулхона ходимларининг қонуний талабларига улар қарши ҳаракат кўрсатишларини бартараф этиш мақсадида жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш мумкин.

Уларни қўллаш ҳолатлари Қонунда тартибга солинган.

Сақлаб туриш бўйича харажатларнинг ундирилиши

Судьянинг (фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса — шунингдек ҳарбий комендантнинг ёки ИИО бошлиғининг қарорига) кўра, махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар суткасига ЭКИХнинг 15%и миқдоридан ундирилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахс маъмурий қамоқни ўташи вақтида ишлаган ва шу тариқа харажатларнинг ўрнини қоплаган ҳолларда, харажатлар ундириб олинмайди. Меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳам бу харажатларнинг ундирилишидан озод қилинади.

2-бетда

Дори-дармон нархини ошириш бизнес учун хавфли

2017 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон фармацевтика бозорида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олиннадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15%дан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20%дан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Бу Президентнинг «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (31.10.2016 йилдаги ПҚ-2647-сон) билан назарда тутилган. Бирон-бир дориҳона ёки улгуржи тузилма белгиланган энг юқори устамалардан ортигини қўллаб, дори-дармон сотишга ҳақли эмас. Уларни ошириш, шунингдек ПҚ-2647-сон қарорнинг бошқа талабларини бузиш бизнес учун хавфли бўлиши: лицензиядан маҳрум бўлишга, маъмурий ва жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Ҳужжатда назарда тутилган чора-тадбирлар мажмуи дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини давлат томонидан тартибга солишга, аҳолининг улар билан таъминланганлик даражасини янада оширишга қаратилган.

Шунингдек таъминоти, янги чекланган савдо устамалари дори-дармонларнинг нархини белгилаш бўйича ягона, янада мослашувчан ва очик-ошкора тартибни ўрнатиш мақсадида жорий этилган. Бунга четдан олиб келинадиган дори-дармонлар улгуржи сотувчилар ва дориҳоналар улуши бўлган 20%дан ортиқ бўлмаган савдо устамасини қўллаган ҳолда аҳолига



сотилган. Маҳаллий дори-дармонлар 20 фоизли улгуржи ва 25 фоизли чакана устама билан сотилган. Бошқача айтганда, нарх шаклланиши бобида ягона ёндашув бўлмаган. Бу чакана ва масаланинг етарлича тартибга солилмаганини суиистеъмол қилувчи улгуржи сотувчиларни тенгсиз ҳолатга солиб қўйган. Натижада дориҳоналар чакана савдо учун четдан олиб келинадиган дори-дармонларга алоҳида устама қўйилмаганидан кўпинча ютқазар эдилар. Айрим улгуржи сотувчилар эса дориҳоналарнинг манфаатларини инобатга олмай, талабгир препаратларга энг юқори устама белгилар эдилар. Ҳозир бу

муаммолар бартараф этилди ва тузатиш киритилди.

Улгуржи сотувчилар учун дори-дармонларга савдо устамалари пасайтирилганлиги воситачилар сонининг қисқаришига ёки ишлаб чиқарувчилар билан бевосита ишлашга туртки бўлиши мумкин. Дориҳоналар устамалар тартибга солиниши ҳисобига ютадилар. Бироқ аввало истеъмолчилар ютиши лозим, сабаби киритилган тузатишлар умуман олганда дори-дармоннинг асоссиз равишда қимматлашувига тўсиқ бўлиши зарур.

7-бетда

Ушбу сонда:

Бу ширкатнинг иши бошқаларга намуна

ХУМШ: кичиги яхшими ёки йириги?

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Иш жойида инструктаж ўтказмаганлик учун қандай жавобгарлик бор?

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-бетда Давлат мулкани сотиб олиш соддалаштирилди

Президентнинг 17.01.2017 йилдаги ПФ-4933-сон Фармони билан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Фармон билан давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар томонидан хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектлар қийматини баҳолаш натижаларини қайта қўриб чиқиш ва бекор қилиш масалаларини ўртага қўйиш тақиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг талабгор резидентларидан танлов савдоларида давлат мулки объектларини сотиш вақтида буюртманом ва бизнес-режадан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳам тақиқланди, давлат мулкнинг стратегик объектларини сотиш ҳоллари бундан мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига давлат мулки бўлган ностратегик объектларини, шу жумладан давлат кўчмас мулк объектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Санаб ўтилган мансабдор шахслар энди Давлат архитектура-қурилиш назорати хулосасига мувофиқ яроқсиз деб топилган давлат кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилишга ҳақлидирлар.

Бундан ташқари, янги иш ўринлари яратиш имконини берган асосий фондларни модернизациялаштирган ва мукаммал таъмирдан чиқарган давлат мулки объектнинг ижарачисига уни хусусийлаштиришда ижарага олинган объектни биринчи навбатда сотиб олиш учун устун ҳуқуқ берилади.

Танлов ва аукционнинг бирдан бир қатнашчиси-дан савдо шартларига тўлиқ мос келадиган таклиф тушганида давлат мулки объектнинг олди-сотди шартномасини тузиш мумкин.

Мазкур объектлар 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб активлар қийматига таъсир қилувчи бозорнинг жорий конъюнктурасини ва объектив омиллар йиғиндисини ҳисобга олувчи янгиланган миллий стандартлар асосида баҳоланади.

Сотилаётган давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари бўйича харид тўловларини тўлаш муддати давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда Ҳукумат ёки Тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссиясининг қарорларида бошқача

тартиб ўрнатилмаган бўлса, 3 йилгача муддатни ташкил этиши мумкин.

Бунда сотишдан тушадиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига йўналтирилади, белгиланган тартибда Давлат рақобат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тасарруфидида қолдириладиган маблағлар бундан мустасно.

Республикада давлат мулки объектларини сотишда халқаро амалиётда кенг фойдаланилаётган шакллар, масалан фонд биржасида аҳолига ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига акцияларни бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) ошқора таклиф этиш, шунингдек ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан электрон шаклда ўтказиладиган танлов ва аукцион жорий этилади.

Ҳужжат билан шунингдек умумбелгиланган солиқлар тўловчи давлат мулки объектларининг сотиб олувчилари — ташкилотлар олди-сотди шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб 12 ой муддатга янги сотиб олинаётган давлат мулки объектлари бўйича мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилиниши, бўшаган маблағлар хусусийлаштирилган объектларни модернизациялаш, техника ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда уларни ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилиши белгиланди.

Автобусда йўловчи ташувчилар солиқлардан озод этилди

Президентнинг «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (10.01.2017 йилдаги ПҚ-2724-сон) қабул қилинди.

Ҳужжат билан 2017—2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланди, дастур қўйиладиган ўз ичига олади:

○ йўловчилар ташийдиган янги автобус йўналишларини ташкил этишнинг мақсадли параметрлари;

○ янги автобуслар ва микроавтобуслар сотиб олиш параметрлари;

○ йўловчилар автовокзаллари ва автостанцияларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш тадбирлари.

Давлат органларига 2018 йил 1 июлгача бўлган муддатда Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида шаҳар йўловчилар ташиш транспортида йўлқира учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш топширилди.

Қарор билан 2022 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга қуйидагиларни тўлашдан озод қилинади: четдан келтириладиган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, мунтазам йўловчилар ташиш йўналишларида банд бўлган автобуслар ва микроавтобусларнинг иши устидан «онлайн» режимида (GPS), шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича шаҳар йўловчилар ташиш транспортида юрганлик учун электрон тўлов тизимларини масофадан кузатиб боришни жорий этиш учун мўлжалланган ускуналар, механизмлар, материаллар, бутловчи буюмлар божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно);

лизинг ташкилотлари ва автомобиль транспорти ташкилотлари — Дастур доирасида сотиб олинган микроавтобусларни ИИОда рўйхатдан ўтказишда Республика йўл жамғармасига йиғим тўловидан;

автомобиль транспорти ташкилотлари — йўловчиларни шаҳар атрофида ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда (қишлоқ жойларда) автобуслар ва микроавтобусларда ташиш ҳажми бўйича ягона солиқ тўловидан.

Қарор «Халқ сўзи» газетасининг 12.01.2017 йилдаги 8 (6672)-сонида расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Миллий тур операторларига валютани қабул қилишларига рухсат берилди

Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 12.01.2017 йилда 1165-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритилди.

Энди хорижликлар ва Ўзбекистонда доимий яшаш жойи бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахсларни меҳмонхоналар ва бошқа жойларга жойлаштириш бўйича хизматлар, шунингдек хорижий ҳамкорлар томонидан мамлакатимиз фуқароларига маҳаллий туроператорлар орқали кўрсатилган сайёҳлик хизматлари учун тўлов нақд хорижий валютада қабул қилинишига йўл қўйилади.

Бундай ҳолатларда резидентлар ва норезидентлардан нақд хорижий валютани қабул қилиш корхоналар ва ташкилотларнинг махсус кассаларига валюта тушумини белгиланган тартибда инкассация қилган ҳолда амалга оширилади.

Қарор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 16.01.2017 йилдаги 2-сонида расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

	17.01.2017 й.	24.01.2017 й.
1 Австралия доллари.....	2429,52	2471,36
1 Англия фунт стерлинги.....	3910,38	4056,46
1 Дания кронаси.....	463,75	471,76
1 БАА дирҳами.....	885,12	889,09
1 АҚШ доллари.....	3251,06	3265,54
1 Миср фунти.....	172,01	174,63
1 Исландия кронаси.....	28,48	29,06
1 Канада доллари.....	2473,23	2457,70
1 Хитой юани.....	471,63	476,94
1 Малайзия ринггити.....	728,28	735,81
1 Польша злотийси.....	787,43	802,90
1 СДР.....	4393,00	4419,59
1 Туркия лираси.....	867,83	869,49
1 Швейцария франки.....	3214,74	3270,45
1 ЕВРО.....	3450,04	3483,95
10 Жанубий Корея вон.....	27,51	27,98
10 Япония иенаси.....	284,68	287,38
1 Россия рубли.....	54,76	54,73
1 Украина гривнаси.....	117,50	119,06

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгиланганда ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	23.01.2017	1	1,8311	1	1,9659	1	0,0307
Арманистон	20.01.2017	1	486,21	1	517,62	1	8,15
Беларусь	24.01.2017	1	1,9350	1	2,0786	100	3,2514
Грузия	23.01.2017	1	2,6763	1	2,8457	100	4,4722
Қозғиғистон	23.01.2017	1	331,87	1	353,31	1	5,56
Қирғизистон	24.01.2017	1	69,4984	1	74,5648	1	1,1680
Молдова	23.01.2017	1	20,1653	1	21,4499	1	0,3367
Россия	24.01.2017	1	59,5034	1	83,9424	—	—
Тожикистон	23.01.2017	1	7,8863	1	8,3855	1	0,1290
Туркменистон	23.01.2017	1	3,5000	1	3,7447	100	5,8665
Украина	23.01.2017	100	2 742,8490	100	2 916,1971	10	4,5967

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
— Валюталар курси

1-2-бетлар

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ
— Дори-дармон нархини ошириш бизнес учун хавфли
• БИЗ ЯШАЙДИГАН Й
— Оз-оздан самарга эришиш санъати
— Учаскани фойдаланиш учун олиш
— Туну кун хизмати

— ХУМШ: кичиги яхшими ёки йириги?..
— Плитани замонавийсига алмаштирмоқчиман
— Ширкатларнинг қизгин ҳаёти

3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ
— 2017 йилги йш вақти давомийлигининг ўзгаргани тўғрисида
— Меҳнат муҳофазасига жиддий ёндашинг!
— Агар ходим маст бўлса

8-бет

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Оз-оздан самарага эришиш санъати
- ✓ Участкани фойдаланиш учун олиш
- ✓ Туну кун хизмат

- ✓ ХУМШ: кичиги яхшими ёки йириги?..
- ✓ Плитани замонавийсига алмаштирмоқчиман
- ✓ Ширкатларнинг қизгин ҳаёти



Бошқаларга намуна бўлиб

Оз-оздан самарага эришиш санъати

Ўтган 2016 йил Тошкентдаги «Она Замин Иккинчи Коммунал» ХУМШ учун ободонлаштириш йили бўлди деб ҳисоблаш мумкин. Мирзо Улугбек туман раҳбарияти, маҳалла қўмитаси, «Тошшаҳарнур» туман бошқармаси билан биргаликда мавзе ичидаги ёритиш масаласини ҳал этди. Уйларга туташ ҳудуддаги даракларни тартибга келтирди. Аслида бу ҳокимликнинг туман ободонлаштириш бошқармасининг бевосита мажбурияти бўлса ҳам, ўз маблағлари ҳисобидан уларни санитария жиҳатидан кестирди. Қуриган шохлар фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солар, ширкатнинг бошқармага мурожаатлари эса натижа бермаётган эди. Шунда у мазкур муаммони ўз кучи билан ҳал этишга мажбур бўлди. Қолган ишлар ҳам ўз навбати билан амалга оширилди. Ҳозир ХУМШ асосан жорий хизмат кўрсатиш билан машғул, сабаби уйдаги умумий мол-мулкни сақлаб туришга доир устувор вазифалар деярли бажариб бўлинди. Уларнинг айримлари яқунлаш босқичида турибди.

Ушбу ширкатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда барча таъмирлаш ишлари кредит олмай, ХУМШ аъзолари бадаллари ҳисобидан бажарилади. Бундай позиция – муваффақиятли фаолият, молиявий барқарорлик кўрсаткичи бўлиб, қарз ҳисобига эмас, имконга қараб, хотиржам, оз-оздан илгари томон қадам босиш имконини беради. Бу улкан мақсадга эришиш учун оз-оздан самарага эришиш санъати бўлиб, ўз натижасини бермоқда. 1 м² учун 400 сўмини ташкил этган умумий мулкни тутиб туришга бадал миқдори йил

мобайнида бирон марта ошмаганини айтишнинг ўзи кифоя. Шаҳар бўйича ушбу кўрсаткич ўртачадан қуйи ҳисобланади. Демак, ХУМШ бюджетига бадаллар тушишини таъминлаш имконини берувчи омилкор, масъулиятли раҳбарлик ва бошқарувда бу тариф ҳисобига яшаш, уйларни тартибга келтириш, қарз олмасдан таъмирлашнинг иложи топилади. Раис уй аҳлининг маблағини тежаганда, ўз манфаатлари йўлида уларнинг ишончини суиистеъмол қилмаганда ҳам бунга эришиш мумкин.



*Тахририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга вақолатли эмас.

Мавзуйий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Ўзгаришлар палласи

6 йил аввал ушбу ширкатга кирган 8 та уй (345 та квартира) аянчли ҳолатда бўлиб, тобора ботқоққа ботиб кетаётган эди. Том, қувурлар, йўлаклар, ертўлалар — ҳаммасидан чакка ўтаётган, тўқилиб, сочилиб кетаётган ва аллақачон таъмирталаб бўлиб қолган эди. Бу кўпчиликка жуда таниш манзара. ХУМШ аъзоларининг қарзлари бўйида оғир тошдек унинг зиммасида эди. Картотекадан ҳеч чиқа олмади. Уй ахли ҳамма жойга шикоят қилар, лекин ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди. Аввалги раҳбарият ишни йўлга қўйишга қодир эмасди.

ХУМШ бошқарувиغا Светлана Группер сайланганидан кейин ўзгаришлар бошланди. У йирик илмий-тадқиқот институтларидан бирида ишлар ва УЖКХ соҳасидан йироқ эди. Аслида бундай дейиш учналик тўри эмас. У уй-жой муаммолари билан кескин тўқнаш келди. Ўша пайтда бир неча йил томдан чакка ўтиб, квартирасини сув босарди. Ширкат муаммони ҳал этмагач, судга мурожаат этиб, масалани ҳал этишга ўзи киришиб кетди. Унинг ишга жиддий ёндашуви, принципааллиги, масъулиятлилиги ширкатга жуда қўл келди. Тез орада Светлана ХУМШ раиси этиб сайлади. Бу соҳани ўзлаштиришга, муаммоларига шўнғишга тўғри келди. Шу пайтга келиб бошқарув аъзоларининг янги жамоаси шаклланди. Институтида қатъий белгиланган вақтда ишласа-да, ширкатда кун бўйи тер тўқади. Дам олиш, байрам кунни, таътил нималигини билмайди, чунки турар жойларда исталган пайтда қутилмаган вазият юзага келиши мумкин. 8 та уйнинг муаммосини зиммага олиш ҳазилакам юк эмас. Светлананинг феъли шундай: модомки кишилар уйларининг тақдирини ишониб топширган эканлар, виждонан, бор кучи ва имкониятини ишга солиб ҳаракат қилиши керак. Бугунги кунда бошқарув тажрибасини ўрганиш ва қатор муаммолар ечимини топиш мақсадида бу ширкатга бошқа ХУМШдагилар мурожаат қиладилар.

Вазият жиддий тус олганда биринчи навбатда ишни нимадан бошлаш керак? Бошқа соҳалар сингари аянчли ҳолатда бўлган бухгалтерияга қўл урдилар. Уйларни тартибга келтириш учун бадаллар келиб тушишини йўлга қўйиш, кредиторлик қарзини қоплаш зарур эди. Биринчи навбатда компьютер сотиб олинди, бухгалтерия ҳисоби дастурини ўрнатиб, унга барча маълумотлар қайд этилди. Бадал тўламайдиганлар билан ишлашга киришдилар. Тўлашдан бош тортганлар масаласи суд тартибиде ҳал этилди. Бошқача йўл тутиш самара бермади.

Уй ахли бадал тўлай бошлаганида ширкат картотекадан тез орада халос бўлди. Уйларни тиклашда томлар, иситиш тизимига устувор аҳамият берилди. Маблағ тўлаганишга қараб таъмирлаш ишлари ўтказилди. Ана шунда уй ахли ёрдамга келди. Ишларнинг бир қисmini кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ўз ҳисобларидан бажара бошладилар. Бу «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига асосан умумий йиғилиш қарори билан белгилаб қўйилди. Уй ахли ўз маблағига материаллар сотиб олар, ширкат эса ишларни бажаришга харажатларни ҳисобга олмасдан кейинчалик чиқимларини қоплар эди. У тах-

минан 50%ни ташкил этарди. Кейинчалик, молиявий ҳолатини мустаҳкамлашга, молиявий имкони бўлганда 100 фоиз қайта ҳисоб-китоб қила олди. Ҳозир ҳам шу механизм қўлланмоқда. Ҳар йили умумий харажатларда мулкдорлар иштирокининг бошқа турлари билан алмаштириш мумкин бўлган мажбурий бадалларнинг бир қисми белгиланади. Бу сумма даромадлар ва харажатлар сметасига киритилади.

Худудни ободонлаштириш дастуридан ташқари, 2016 йилда ширкатда электр хўжалигини таъмирлаш якунига етди. Бу анча серхаражат иш. 2 йил давомида электр шитларда 44 та янги автовыключатель ўрнатилди. ХУМШ томини жорий таъмирдан чиқарди, йўлакларнинг бир қисmini расамада келтирди, янги компьютер сотиб олди. Мажбурий ишлар бажарилди — уй ичидаги иситиш тизимлари профессионал жиҳатдан таъмирланди ва ювилди, ертўлаларга санитарик ишлов берилди.

Квартиралар ичидаги стоякларни алмаштиришда бошқа ХУМШларда ҳам тўқнаш келинадиган муаммо кўп юзага келди. Уйда яшовчилардан айримлари капитал таъмирлашдан бош тортдилар. Бундай ҳолларда ширкат квартира соҳибидан у таъмирлашни ўз ҳисобидан бажариши ҳақида тилхат олади. Ҳозирда айни уларда иситиш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Баъзи квартиралар уларда яшовчиларнинг айби туфайли тўлақонли исимайди. Муаммони бартараф этиш учун Тошсискилэнерго қозонхона қуришни мўлжалламоқда.

ХУМШга бирлаштирилган уйларда 13 та нотураар жой mavjud. Уларнинг эгалари учун ХУМШ аъзолариники билан деярли бир хил бадал миқдори — 1 м² учун 450 сўм белгиланган. Бу томонларда эҳдиёт тугдирмайди, маблағлар ўз вақтида келиб тушишини таъминлайди. Нотураар жойлар эгалари ўз оқсислари атрофидаги худудни тоза сақлайдилар ва ободонлаштирадilar.

Раиснинг сўзларига қараганда, бошқарув аъзолари бир ёқадан бош чиқариб ишлагани, аксарият уй ахли қўллаб-қувватлагани туфайли ширкат уйларда ўзгаришларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Мулкдорлар ишончномалар бўйича умумий йиғилишларда иштирок этадилар. Анкеталаш воситасида ХУМШ фаолиятидаги турли масалалар юзасидаги фикрларини билиш мумкин. Ҳар бир уй бўйича алоҳида йиғилишларни ўтказиб қўрдилар, бироқ бу тўғри келмади. ХУМШ штатиде 3 нафар фаррош, 2 нафар сантехник, раис, бухгалтер, электрик, паспортистка бор. Ишларни ўз кучлари билан бажаришди, ихтисослики талаб этувчи ишларга пудратчилар ёлланади.

Тухмат учун жавобгарлик

Ушбу ХУМШ иш график билан тасвирланса, тепага қараган тўғри чизик акс этади. Узилиш, кескин ҳаракатлар, оғиш ва пасайишлар йўқ. Яъни «парвоз» бир маромда кечмоқда ёки оз-оздан самарага эришилмоқда. Бироқ нима учун раис бор неча бор кетишга, саяё-ҳаракат қилиб ва қуйиб-пишиб яратган ҳамма нарсани ташлашга уринган? Бунинг сабаби Светлана ўз ҳаётини тубдан ўзгартаришга мажбур қилган одамларда. Ҳаётларини қулайроқ қилишга, уй-жой-коммунал муаммолардан халос қилишга уринаётган кишиларда.

Мавзуйий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Светлананинг айтишича, уларнинг ширкатиди (бошқа ХУМШларда ҳам бўлганидек) шундай одамлар борки, ҳеч қандай йўл билан уларнинг кўнглини олиб бўлмайди. Улар барча идораларга асоссиз шикоятлар ёзадилар. Жанжал кўзгайдилар, қўшниларни гуруҳларга бирлаштирадилар, уларни бадал тўламасликка ундайдилар, раисга, бошқарув аъзоларига қарши қиладилар, текширувлар, комиссияларни уюштирадилар. Буларнинг бари ХУМШни ишдан чалғитибгина қолмай, давлат тузилмалари ҳам муносабат билдиришга мажбур бўладилар. Раиснинг тасдиқланмаган далиллар юзасидан тушунтириш ёзишга тўғри келади. Одатда, бу мажбурий бадаллар бўйича қарзи бўлган, ҳар ишдан айб қидирувчи шикоятчиларнинг қилмиши бўлади. Улар ширкатда ичдан туриб бузғунчилик қиладиган, тинчликни бузадиган, ўз кишии ёки айнаи ўзи ўрнини эгаллаши учун раисни кетишга мажбур қиладиган ҳақиқий рейдерлардир. Биров билан сан-манга бормаидиган Светлана учун рейдерлик ҳужумлари – улкан муаммо, у боис кишининг қўли ишга бормаиди, ҳаммасини ташлаб кетгиси келади. Ҳозир банкдагилар қарздорлар билан боғлиқ вазиятни ҳал этишда ширкатга ёрдам бермоқдалар. Улар судга даъволар бермоқдалар. Бироқ суд қарори асосида қарзни ундириш аввалгидек мушкул. Суд ижрочиларининг иши қониқарли эмас.

Шикоят ёзувчи ва тухматчиларни тийиш йўли бор. МЖТКнинг 40-моддасига мувофиқ, тухмат, яъни била туриб ёлгон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш ЭКИХнинг 20 бараваридан 60 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. МЖТКнинг 41-моддаси билан эса ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш ЭКИХнинг 20 бараваридан 40 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Дарвоқе, Тошкентдаги ХУМШлардан бири шунга ўхшаш вазиятда ширкат аъзоси раисни ҳақорат қилгани учун судга даъво берган ва уни ютиб чиққан. Жарима тўланишидан олинган маблағлар умумий йиғилиш қарори билан ҳомийлик ёрдами сифатида уй ахлига хизмат кўрсатувчи поликлиникага йўналтирилди.

Уйингизда тинчлик ҳукм сурсин

Светлана ширкат тўқнаш келадиغان муаммолар ҳақида сўз очди. «Коммуналчиларга нисбатан ўтган асрда қарор топган менсимай муносабатда бўлишга шун пайтгача барҳам берилгани йўқ. Кўпична турли тузилмаларнинг маъмуриятчилиги, ортқча ҳомийлик қилиши, ХУМШ ишларига араллашиб, қаердадир қатнашиш, ҳозир бўлишга, нима учундир ҳисобот беришга мажбур қилиши ишлашга ҳалақит беради. Бунақада қачон ишлаймиз? Бундай йиғилишларда ХУМШ раҳбарлари фақат таъна-дашном эшитадилар. Ширкатимизда қўшнилари учун қайғурадиган муносиб кишилар бор. Уларнинг кўнглини кўтарадиган гап айтиш жоиз эмасми?»

Раиснинг фикрича, ХУМШда мутахассис коммуналчилар ишлаши лозим. Кўп квартиралар уй – мураккаб техник объект, бу соҳа билан таниш бўлмаган киши унинг конструктив элементлари, муҳандислик коммуникацияларини тушуниши мушкул. Таъмирлаш вақтида ишдан воқиф раис ҳеч қачон



четдан кишиларни қақирмайди. У виждонли пудратчиларни афзал кўради. Бугун бошқарувчи компаниялар фаолиятини лицензиялаш зарурати масаласи муҳокама этилмоқда, бу эса жуда муҳим.

Квартира сотиб олган айрим кишилар бу ҳақда ширкатни бохабар қилмайдилар, алоқа боғлаш телефонларини, квартира режасидан нусхани қолдирмайдилар. Турар жойда ҳеч ким яшамайди, ширкатда эса унинг эгаси ҳақида маълумотлар йўқ дейлик. Авария ҳолатида квартирага киришнинг иложи бўлмайди. Ёки уйда таъмирлаш ишлари кетяпти, квартира эгаси эса унда яшамайди. Агар квартира ичидаги стояклар алмаштирилаётган бўлса, иссиқликсиз қоладиган қўшнилар азият чекадилар.

«Турар ва нотурар жойларни ноқонуний қайта режалаштириш – жиддий масала, – дея давом этади раис. – Бунда фуқаролар уй ичидаги иссиқлик таъминоти тизими ишига араллашиб, уни бузадилар, кейин эса қўшнилари уйлари иссиқликсиздан шикоят қиладилар. Биз квартирани таъмирлаш пайтида эгаси ҳатто уйнинг олд қисмини ҳам бузганининг гувоҳи бўлганмиз. Ширкат бундай ҳолларда уларга амалда таъсир кўрсата олмайди. Иссиқлик энергиясини етказиб берувчилар қўшимча иситилаётган майдон (асосан батарея пешайвонга олиб чиқилганлиги) учун тўлов ҳисоблаб ёзадилар. Истеъмолчиларга иссиқлик ускуналарини лойиҳадаги ҳолатдагидек этиб тиклаш ҳақида кўрсатма берадилар, бироқ қатъий талаблар қўймайдилар. Уларни тўлов тўшаётганлигининг ўзи қониқтиради. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилишича, ширкат жойларни белгиланган тартибда қайта қуриш, ўзгартириш, қайта жиҳозлаш тартибини келишиб олиш ҳуқуқига эга. Бироқ бу қандай тартиб, уни ким белгилаши керак, у қандай ҳаракат қилиши лозим?»

Светладан ХУМШ раиси сифатида уни нима қувонтиришини сўрадим. «Ўзгаришлар, – дея жавоб беради у. – Уй ахли яхши томон ўзгариш юз бераётганини кўрс, узаро аҳиллик ва бағрикенглик ҳукм сурса – ҳаммаси жойида бўлади!».



Билиб қўйган яхши

Участкани фойдаланиш учун олиш

Ширкатларнинг ер участкалари билан боғлиқ масалалар Facebook ижтимоий тармоғи саҳифаларининг «ХУМШ ва у билан қандай яшаш лозим» гуруҳида кўп муҳокама қилинади. Мақолалардан бири ширкат участкага эга бўлмаганда уни олиши мумкинми ва бунинг учун нима қилиши лозим деган мавзуга бағишланган эди. Гуруҳ иштирокчиларини ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олиш учун қаерга мурожаат қилиш кераклиги, уларни расмийлаштириш, дубликат олиш қанчага тушиши қизиқтиради. Гуруҳ етакчиси Максим Черников мақолага тайёрлаган шарҳи «Норма маслахатчи» ўқувчилари учун фойдали бўлиши мумкин.

Ж.Р.: Ширкатнинг ер участкасига ва яшаш учун мўлжалланган тўққиз қаватли уйга кадастр ҳужжатларини олиш учун ишни нимадан бошлаш кераклигини айтсангиз. Қаерга мурожаат қилиш, бунинг қандай тўғри амалга ошириш лозим?

М.Ч.: Фойдаланишга топширилган ҳар бир уйга инвентарь йиғмажилд ёки унинг барча техник тавсифлари қайд этилган уй паспорти юритилади. Улар уйнинг жойлашган жойи, қурилган йили, қавати, майдони, муҳандислик тармоқлари, хоналар тавсифи, том, пойдевор, деворлар тавсифини ва ҳ.к. ўз ичига олади. Паспортда уй атрофидаги ҳудуд ҳисобланган ер участкасининг режаси ҳам бўлади. Бироқ кўпинча режада фақат уй остидаги ер кўрсатилган бўлади, чунки сўнгги йилларда ХУМШлар уй атрофидаги ер участкаларидан маҳрум бўлдилар. Агар ширкатга ер ажратилмаган, бироқ у доимий фойдаланиш учун уни олмоқчи бўлса, шаҳар ҳокимлигига ариза билан мурожаат этиши керак. Бу ҳақда ҳоким қарор чиқаради. У қабул қилингандан сўнг ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича туман бошқармасига мурожаат этиши зарур. Ҳоким қарори асосида бошқарма ходими ер участкасини шакллантириш ишларини ўтказиш учун жойга чиқади. Унинг чегаралари тасдиқлангандан кейин унинг режаси тузилади.

М.Ч.: Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси шароитида аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳудудларини сақлаш ва ободонлаштиришга доир санитария қоидалари ва нормаларига (6.05.2016



йилдаги 0329-16-сон СанҚН) мувофиқ, **уй атрофидаги ҳудуд** – кўп квартирали уй жойлашган, давлат кадастр ҳисоби маълумотлари асосида (участканинг) чегаралари белгиланган ер участкаси ёки кўп квартирали уй жойлашган, техник паспортда чегаралари режаси кўрсатилган, таркибига майдончалар, боғлар, тротуарлар ҳамда мавзе ичидаги йўллар ва йўлаклар кирадиган ер участкаси.

Туташ ҳудуд – кенглиги 15 метрдан иборат, асосий ҳудуд, қурилиш майдончаси, савдо объекти, жамоатчилик транспортининг сўнгги бекатлари ҳамда мулкчилик, эгалик қилиш, фойдаланиш, шунингдек ижара ҳуқуқида бўлган бошқа объектларнинг чегараларига бевосита ёндашган ёки майда чакана савдо тармоғи объектлари, кичик архитектура шаклидаги объектлар, алоҳида турувчи реклама конструкциялари учун асосий ҳудуддан периметр бўйича кенглиги 5 метрдан иборат ҳудуд.

Қ.С.: ХУМШ уй атрофидаги ҳудудга кадастр расмийлаштириши лозимми ёки усиз сақлашда давом этгани маълум?

М.Ч.: Масалани қандай ёндашишга боғлиқ. Агар кадастрингиз бўлса, ХУМШ ерни ижарага бериб, ундан даромадга эга бўла олади. Агар бу ер давлат эҳтиёжлари учун (масалан, уй қуришга) керак бўлиб қолса, ҳокимлик ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказиш ташаббуси билан чиқиб, ундан бу ер участкаси олиб қўйилишига уларнинг розилиklarини олиши керак бўлади. Эҳтимол, сўнгги пайтда давлат ҳокимияти органлари шу сабабдан ҳам ерни ХУМШга доимий фойдаланиш учун бермаётгандир. Ер участкаси бўлганда, у лозим санитария ҳолатида сақлаши, яъни мунтазам тозаланиш керак бўлади. Агар кадастр бўлмаса, ширкатни эса уй атрофидаги бегона ҳудудни сақлашга мажбур этсалар, бу унинг ишларига аралашув деб саналади. Бунда ҳокимликлардаги

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

ходимлар уйдан 10 метрдан 50 метргача масофада жойлашган участка ХУМШ худуди деярли ассосиз даъво қиладилар.

Ж.Р.: Агар мавжуд бўлса, бош режа, уй паспорти, кадастри қаердан олса бўлади?

М.Ч.: ХУМШда бўлиши керак. Агар йўқотилган бўлса, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига дубликати сўраб мурожаат этиш мумкин.

Ж.Р.: Гап шундаки, бизга яқин жойлашган бизнес-марказ ўз ходимларига автотураргоҳ қуришни кўзлаб, худудимизга даъвогарлик қияпти. Ана шу масалани ҳал қилмоқчимиз. Эскиларнинг айтишича, бош режага кўра низоли худуд унга қарашли экан. Ишни нимадан бошлаш ҳақида бош қотирапмиз.

М.Ч.: Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан бошланг.

С.К.: Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш таҳминан қанчага тушади?

М.Ч.: Бу савол билан бошқармага мурожаат қилган маъқул. Йўлғажилдининг дубликати эса бепул берилади.

Ж.Р.: Кадастр хизматининг сайти борми?

М.Ч.: Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг сайти – kadastr.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
YER RESURSLARI, SOBOQLIQA,
KARTOGRAFIYA VA DAVLAT
KADASTRI
DAVLAT QO'MITASI

100097, Toshkent sh., Chiryoqda ko'chasi, "S" merosi.
Tel: (371) 277 76 14 Fax: 277 86 61



ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО
ЗЕМЕЛЬНЫМ РЕСУРСАМ, ГЕОДЕЗИИ,
КАРТОГРАФИИ И
ГОСУДАРСТВЕННОМУ КАДАСТРУ

100097, г. Ташкент, ул. Чирюкда, Кадастр, 11
Тел: (371) 277 76 14 Факс: 277 86 61

<http://www.ygk.uz>

11.06.2015 й № 01-2595
Па № _____ от _____

В ответ на Ваше обращение от 1 июня 2015 года и части касящегося Госкомземгосдакадстр сообщает следующее.

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 июля 2014 года №186 «О совершенствовании порядка дифференцированного подхода при определении стоимости государственных услуг по подготовке кадастровой документации» утвержден порядок определения стоимости государственных услуг по технической инвентаризации и оформлению кадастровой документации.

При утере либо приходе в негодность оригинала кадастрового дела, обновление кадастрового дела (выдача дубликата), производится только по заявлению обладателя прав на недвижимое имущество, при этом, не обновляя существующее кадастровое дело и не производя техническую инвентаризацию. Технические параметры недвижимого имущества, указываются по состоянию на момент последней инвентаризации и на каждом листе вновь выданного дела проставляется штамп «ДУБЛИКАТ». За обновление (выдачу дубликата) кадастрового дела без выдачи справок оплата не взимается.

При изменении технического состояния объекта в связи реконструкцией, строительством и т.п., техническая инвентаризация и формирование нового кадастрового дела, производится по заявлению обладателя прав (либо его доверенного лица), при этом оплата взимается от площади вновь возведенных или реконструированных объектов недвижимости.

Для получения подробной информации о получении дубликата кадастрового дела Вам необходимо обратиться в районные (городские) государственные предприятия землеустройства и кадастра недвижимости.

Начальник управления экономики,
финансов и бухгалтерского учета

У.Р.Жумагалиев

Туну кун хизмат

Пойтахтимизда шаҳар диспетчерлик хизмати куну тун ишлашни бошлади. Истеъмолчилар кун ва туннинг исталган вақтида Тошкентдаги 1055 таниш рақамига кўнғироқ қилсалар, электр, газ ва иссиқлик таъминоти, чакка ўтаётган томлар, тезкор ҳал этишни талаб этувчи бошқа уй-жой-коммунал соҳадаги муаммолар билан боғлиқ масалалар бўйича уларнинг мурожаатларини қабул қиладилар. Шаҳар диспетчерлик хизмати мурожаатнинг тусига қараб уни туман ҳокимлигига, коммунал таъмирлаш-тиклаш авария хизматига, ХУМШга топширади ва ижросини назорат қилади.

Шунга ўхшаш диспетчерлик хизматлари шаҳарнинг ҳар бир туманида ишлаш бошлади:

Олмазор тумани	– 1070	Сергели тумани	– 1071	Юнусобод тумани	– 1078
Бектемир тумани	– 1068	Учтепа тумани	– 1073	Яккасарой тумани	– 1074
Миробод тумани	– 1079	Чилонзор тумани	– 1056	Яшнобод тумани	– 1076
Мирзо Улуғбек тумани	– 1075	Шайхонтоҳур тумани	– 1077		

Мавзуй сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Муаммо

ХУМШ: кичиги яхшими ёки йириги?..

Уй-жой соҳасида ХУМШларни йириклаштириш тамойили кўзга ташланмоқда. Сўнгги пайтда маҳалла кўмиталарида бир уйли ва кичик ХУМШларни катталарига бирлаштириш мақсадида йиғилишлар ўтказилмоқда. Улар Қорасув, Феруза ва бошқа даҳаларда ўтказилди. Бу жараён маъмуриятчиликсиз ўтмайди. Йиғилишларда ХУМШ раҳбарларини ихтиёрӣ-мажбурий тартибда бирлашишга ундаб, бу ХУМШлар мустаҳкамланишига, уларнинг молиявий барқарорлашуви ва соғломлаштирилишига имкон яратишига ишонтирилди.

Бундай мажбурлов ХУМШ тўғрисидаги Қонун, ХУМШ фаолиятини тартибга солуви бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бузишдир. Хусусан, ХУМШ тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ширкатга нечта уй бирлашиши кераклиги ҳақидаги қарорни қабул қилиш ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади.

ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилишича, ширкатни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида амалга оширилиши мумкин. Бу ширкат аъзолари умумий йиғилишининг 50%дан кўп овоз билан қабул қилган қарорига биноан амалга оширилади. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига кирди.

Бунинг устига, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишининг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳожиликларига 2006 йил мобайнида вилоятлар, шаҳарлар ва Тошкент шаҳри туманлари хусусий уй-жой мулкдорларининг уюшмалари билан биргаликда **кичик (умумий хонадонлари сони 250 дан ортиқ бўлмаган 1 тадан 5 тагача уйлар) ширкатларининг афзалликлари тўғрисида уй-жой мулкдорлари билан тушунтириш ишлари олиб бориш ҳамда шартнома асосида хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига хизматлар кўрсатадиган, ихтисослаштирилган бошқариш ва хизмат кўрсатиш (сервис) ташкилотлари, шу жумладан, қайта ташкил қилинаётган йирик ширкатлар неғизда ташкил этилишига ёрдам кўрсатиш топширилган эди (ВМнинг 12.04.2006 йилдаги 64-сон қарори 2-банди).**

Яъни йирик ширкатларни ажратиш ва иш самарадорлигини намоиш этган кичик ширкатларни ташкил этиш ҳақида сўз борган. Бир вақтнинг ўзида ҳужжатда кичик ХУМШларга хизмат кўрсатишда бозор механизмларини яратиш уй-жой сисъатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Ширкатларни йириклашишга мажбурлаб, туман давлат ҳокимияти органи ходимлари Ҳукуматнинг УЖКХ соҳасидаги сисъатига номувофиқ иш тутмоқдалар. Улар ХУМШларни йирик ширкатлар хизмат кўрсатувчи ходимларнинг катта штатига эга натурал ҳўжаликлардан иборат бўлган, битта уй аҳлининг бадаллари бошқа уйларнинг эҳтиёлларига қайта тақсимланган «умумий қозон» қондасига кўра ишлаган пайтга, ўтмишга ундаптилар. Бунда йирик ширкатларнинг салбий томонларидан бири маблағлар сарфийётининг очик-ойдин эмаслиги бўлиб, бу ХУМШ аъзоларининг унга ишончини йўқотди. Оқибатда бадалларни тўламаслик ҳоллари кўпаяди.

Тўғри, баъзи йирик ХУМШлар кичикларини анча ортда қолдиришга қодир бўлиши, «умумий қозон» эса кимнидир қониқтириши мумкин. Бироқ бу ўтмишдаги ютуқларни ўчириб ташлаб, ширкатларни ёппасига йириклаштириш йўлига ўтиш муаммоларни ҳал этиш усули дегани эмас. Аиникис бу буйруқ оҳангда қилинса. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг қатъий талабини: ихтиёрни мулкдорларнинг ўзига бериш кераклиги ҳақида унутмаслик лозим. Ўзгача ёндашув қонунбузарлик ҳисобланади.

Максим Черников,

уй кенгашининг раиси,

«ХУМШ ва у билан қандай яшаш лозим» гуруҳининг етакчиси.



Мавзуйи сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Тахририят почтасидан

Плитани замонавийсига алмаштирмоқчиман

? Мен газ плитаси ва колонкасини замонавийсига алмаштирмоқчиман, бироқ айрим тўсиқларга дуч келдим. Уй қурилган пайтда (1976 йил) квартирада 2 конфоркали плита ўрнатилган. Энди уни 4 конфоркалига алмаштирмоқчимиз. Шаҳаргазга кўнгироқ қилиб, аслида газ колонкаси аёвалбощдан лойиҳага киритилганига қарамай, бир вақтнинг ўзида 4 конфоркали плита ва газ колонкасини ўрнатишга ҳақли эмаслигимизни билдик. Афсуски, ҳеч қандай тушунтириш бермадилар ёки ҳужжатларга ҳаволаларни келтирмадилар. Бу масала қандай қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишини билмоқчи эдим.

О.Син.

– Мурожаатингиз Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига йўлланди. Уни кўриб чиққан Давархитектурурилиш раисининг ўринбосари А.Тожиев қуйдагича жавоб берди:

«2.8.01-05 ШНҚ «Турар жой бинолари» (Давархитектурурилиш томонидан 7.12.2005 йилда 67-сон билан тасдиқлан-

ган) 9.10-Банди талабларига мувофиқ, ошхоналардаги газ ва электр плиталардаги конфоркалар сони: 1 хонали квартираларда – камида иккита, 2–6 хоналиларда – тўртта, ундан катта квартираларда – олти-та конфоркадан иборат бўлиши.

2.8.01-05 ШНҚ 9.13-Бандида назарда тутилишича, қаттиқ ёқилгига асосланган маҳаллий сув иситкичларни 2 қаватгача бўлган биноларда, газли сув иситкичларни эса – 5 қаватдан ортиқ бўлмаган турар жой биноларида ўрнатишга йўл қўйилади. Биноларнинг қаватига қараб электр иситкичларни қўллаш чекланмайди.

1.04.05-06 ШНҚ «Қўп квартиралли уйларда биноларнинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган хоналарни қайта қуриш, ўзгартириш, қайта жиҳозлаш тартиби тўғрисидаги низом» (Давархитектурурилиш томонидан 23.03.2006 йилда 20-сон билан тасдиқланган) 15-бандига мувофиқ, мавжуд истеъмол доирасида хонанинг иситиш, газ, сув-канализация ва электр тармоқлари чизмасини ўзгартирмаган ҳолда хоналар янада прогрессив газ, сантехника ва электр ускуналар билан қайта жиҳозланганда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш талаб этилмайди.



Сайтдан саволлар

Ширкатларнинг қизғин ҳаёти

Бугун юртимизда деярли ҳар бир давлат идорасининг ўз веб-сайти очилган. Бу одамларга ўз муаммоларини идорама-идора юрмасдан, уйда ўтирган ҳолда электрон тарзда мурожаат қилиб, ўз саволларига малакали жавоб олиш имконини бермоқда. Мазкур сонимизда Коммунал хўжалик ва уй-жой фондининг e-komunal.uz сайтидан олинган материаллар билан таништирамиз.

? Ширкат тафтиш комиссияси умумий йиғилиш ўтказилмасдан олдин текшириш пайтида аниқланган қоидабузарликлар бўйича давлат идорасига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгами?

– Йўқ, ширкат тафтиш комиссиясининг ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилмагунча учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас. Тафтиш комиссияси ҳар йили камида бир марта ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида унинг молия-хўжалик фаолияти текшируви натижалари ҳақида ҳисобот беради.

? Ширкатнинг умумий харажатлари учун мажбурий бадалларнинг миқдори ширкат бошқаруви қарорига кўра белгиланиши ёки ўзгариши мумкинми?

– Йўқ, бу ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатидир. Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига ширкат аъзолари мажбурий бадалларнинг миқдорини тасдиқлаш киради. Ширкатнинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига ширкат иш режасида кўзда тутилмаган ишлар ёки материаллар (хизматлар) нархининг ўсиши натижасида вуҷудга келган хара-



Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



жатлари билан боғлиқ бўлган ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарор ширкат уставида кўзда тутилган тартибда қақриладиган унинг аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши, ҳар бир уй-жой мулкдорлари йиғилиши қарори билан тасдиқланиши керак. Мулкдорларнинг ҳар ойлик мажбурий бадаллари миқдори ширкат аъзолари умумий йиғилишида тасдиқланган ширкат йиллик харажат ва даромадлар сметаси ва иш-режасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Мажбурий бадаллар миқдори ширкат умумий йиғилиши қарорига асосан йил давомида ўзгариши мумкин.



Ширкат аъзосига ўз вақилининг умумий йиғилишида қатнашиши учун бериладиган ишончномани нотариусда расмийлаштириш шартми?

– Йўқ. Ширкат аъзолари умумий йиғилишида ширкат аъзоси вакили оддий ёзма равишда расмийлаштирилган мулкдор ишончномасига эга шахс бўлиши мумкин. Ширкат аъзоси ишончномаси оддий ёзма равишда расмийлаштирилиши мумкин.



Мен уйимда таъмирлаш ишларини олиб бормоқчиман. Таъмирлаш давомида ишчилар қурувларни алмаштирган пайтда ҳисоблагич пломбасига зарар етказмаслик учун ҳисоблагични ечиб турса бўладими? Буни қандай тўғри расмийлаштирадиган бўлади?

– Сув ҳисоблагични ечиш ёки алмаштириш туман сув таъминоти бўлими вакили иштирокида амалга оширилади. Бу пайтда керакли тасдиқловчи ҳужжатлар тузилиб, бунда ҳисоблагичнинг тўғри ишлаши, пломбага зарар етказилмаганлиги назорат қилиниши ва ҳисоблагич кўрсаткичи қайд қилинади. Ўзбошимчилик билан пломба ва қурувларни туман сув таъминоти бўлими вакили иштирокисиз ечиб олиш жарималар солинишига олиб келади.



Агар уй-жой мулкдори умумий мол-мулкка кўрсатилаётган хизматдан қониқмаса, мажбурий бадалларни тўламасликка ҳақлими?

– Йўқ, агарда мулкдор уйга кўрсатилаётган хизматдан қониқмаса, у бу масалани ширкатнинг бошқарувини, бошқарув раисини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ваколатига эга ширкат аъзолари умумий йиғилишига киритиши керак.



Ширкат бошқаруви қайси муддатда харажатлар ва даромадлар сметаси лойиҳасини ишлаб чиқиши ва қайси муддатда тасдиқлаши керак?



– Ширкат бошқаруви келаси молиявий йил харажатлар ва даромадлар сметаси лойиҳасини ҳар йили 15 декабрдан ишлаб чиқиши, молиявий йил якунидан сўнг 60 кундан кечиктирмасдан тасдиқлаши керак. Ширкат аъзоларининг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил якунидан сўнг 60 кундан кечиктирмасдан қақрилиши керак.



Ширкат бошқаруви, бошқарув раиси ширкатнинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасининг ҳар хил моддалар орасида маблағлар қайта тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинми?

– Ҳа, агар маблағлар қайта тақсимланиши ҳар бир модда бўйича режалаштирилган харажатларнинг 10%идан ошмаса, айниқса мулкларга хизмат кўрсатиш ва бошқариш бўйича шундай. Агар ширкатнинг бошқаришга кетадиган харажатлар миқдори тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасининг 10%идан ошса ёки моддалар орасидаги харажатлар қайта тақсимланиши умумий мулкка кўрсатиладиган хизмат ва таъмирлаш харажатларининг 10%идан ортигига қисқартиришга олиб келган тақдирда, бундай қайта тақсимлаш ширкат аъзолари навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланиши керак.



Агар ширкатга икки ва ундан ортиқ уйлар қирса, ҳар йилги ширкат аъзолари умумий йиғилишидан аввал ҳар бир уйда турар жой мулкдорлари мажлисини ўтказиш мажбурийми?

– Ҳар йилги ширкат аъзолари умумий йиғилишидан олдин ширкатдаги ҳар бир уйда турар жой мулкдорлари мажлиси ўтказилиши керак.



Дори-дармон нархини ошириш бизнес учун хавфли



1-бетда Ижтимоий аҳамиятга эга препаратлар арзонлашди

2017 йил 1 январдан бошлаб 116 номланишдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари (98) ва тиббиёт буюмлари (18) учун қайд этилган нархлар белгиланди. Улар билан *Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (Давлат рақобат қўмитаси, Қўмита) www.gkk.uz сайтида танишиш мумкин.*

Президентнинг мазкур қарори билан бундай препаратларнинг илгари амал қилган рўйхати кенгайтирилди. Энди уларнинг умумий сони 343 номланишдан иборат, шундан 227 таси четдан олиб келинган. *Тўлиқ рўйхат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтида жойлаштирилган.* Аввал ушбу рўйхат кичикроқ эди (189 та препарат). Унинг кенгайтирилгани **ижтимоий-иқтисодий шароитлар юзага келтирган касалликларни даволашга мўлжал-**

ланган дори-дармонлар арзонлашшини англатади.

Ижтимоий аҳамиятга эга препаратларга улгуржи ва чакана нархларни уларнинг жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича Республика комиссияси ҳар чоракда белгилайди.

Ўтган йилнинг 27 декабрида Комиссия тендер савдолари ўтказиш учун Рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситаларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган чекланган шартнома қийматини ва ҳажмларини тасдиқлади. Савдолардан кейин 227 та импорт препаратининг улгуржи ва чакана нархи тасдиқланади. Улар билан Давлат рақобат қўмитасининг веб-сайтида танишиш мумкин бўлади.

Мажбурий рўйхат кенгайтирилди

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг янгиланган минимал рўйхатини (АВ томонидан 6.12.2016 йилда 2846-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқлади.

У қабул қилингунгача аввалги Рўйхатга 20 та дори-дармон киритилган ва улар белгиланган чакана нархда сотилар эди. Янги рўйхат анча кенгайтирилган бўлиб, халқаро патентланмаган ёки савдо номланишига эга бўлган 70 хил дори воситалари, шунингдек 6 хил тиббий буюмларни ўз ичига олган. Бу билан истеъмолчиларнинг энг талабгир дори-дармон воситаларини олиш имконини кенгайтириш кўзланган. Шу ўринда ушбу препаратлар энг юқори савдо устамаларини (15/20%) ҳисобга олган ҳолда эркин нархда сотилишини қайд этиб ўтиш лозим.

Шунингдек Рецеттсиз бериладиган дори воситалари рўйхати (АВ томонидан 30.11.2016 йилда 2842-сон билан рўйхатдан ўтказилган)

кенгайтирилди. Янгиланган Рўйхатга 1 225 та препарат кириди (192 таси – монопрепаратлар ва 1 033 таси – комплекс препаратлар), айна пайтда эски рўйхат 1 169 тани (186 та монопрепаратлар ва 983 та комплекс препаратларни) ўз ичига олган эди. Реклама тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ушбу дори-дармонлар ОАВда, шунингдек ташқи реклама воситасида реклама қилиниши мумкин.

Республикада дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларига (ВМнинг 6.08.1994 йилдаги 404-сон қарорига 1-илова) мувофиқ, дорихоналар ушбу Рўйхатга киритилмаган барча дори-дармонларни фақат белгиланган шакллардаги рецептларга кўра берадилар.

Врач рецеттсиз бериладиган дори-дармонлар дорихона витринасига нархи кўрсатилган ҳолда қўйилади. **2842-сон Рўйхат 2016 йил 5 декабрдан қучга кирди, 2846-сон Рўйхат эса 2017 йил 13 мартдан қучга кириди.**

диқланган чакана қийматда сотишлари шарт.

Агар 2016 йилда кириб қилинган маҳаллий препаратлар улгуржи ёки чакана нархга мувофиқ келмаса, уларни қайта баҳолаш керак. Белгиланган нархда сотиладиган дори-дармонлар рўйхатига кирмаган дори-дармонлар уларнинг улгуржи босқичда 15 фоизлик ва чакана босқичда 20 фоизлик устамани қўллаган ҳолда сотилиши шарт.

15%дан ортиқ улгуржи устама билан сотиб олинган товарлар ҳам дорихона томонидан энг юқори савдо устамасини, яъни 20%ни қўллаган ҳолда сотилиши шарт.

Улгуржи сотувчилар ўтган йили 15%дан ортиқ савдо устамасини қўллаган ҳолда сотган дори-дармонлар жорий йилнинг 1

Назорат кучаяди

Дори-дармонлар истеъмолчига етиб бормасини қадар бутун ҳаракатланиши давомида уларнинг нархлари ва бозордаги муомаласи устидан давлат назорати ўрнатилган. Нархни шакллантириш ва савдо қоидалари бузилишининг олдини олиш мақсадида Давлат рақобат қўмитаси фармацевтика бозори субъектларига хат йўллади, унда фармацевтика фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари; қонун ҳужжатлари талабларига белсиз муносабатда бўлиш учун жавобгарлик; энг юқори устамаларни (15/20%); 343 та ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармонларга энг юқори улгуржи ва чакана нархларни қўллаш тушунтирилган.

Дорихоналар пешлаш ва савдо мақсадида ўз фирма номи, юридик манзили, иш режими ҳақидаги ахборотни истеъмолчилар эътиборига етказишлари **шарт**. Бозор субъектлари айна лицензия ва лицензия битимида кўрсатилган манзилда фармацевтика фаолиятини амалга оширишлари керак.

Сифатсиз ва қалбакилаштирилган; Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилмаган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини; Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг фэйриқонуний (контрафакт) нусхаларини; яроқлилик муддати ўтган; ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган; давлат тилидаги мувофиқлик сертификати ва қўллашга доир йўриқномаси бўлмаган; кириб ҳужжатларига эга бўлмаган ва тайёрланишига рухсат берилган дори-вор воситалар рўйхатига киритилмаган дори-дармонларни ишлаб чиқариш (ўраб-жойлаш, тайёрлаш), олиш, сақлаш, қўллаш, импорт ёки экспорт қилиш **тақиқланади**.

Хар би дорихонада лицензия ва лицензия битимининг нусхалари; белгиланган нархлари қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари рўйхати; барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган энг муҳим дори-дармонлар рўйхати; шикоят ва тақлифлар дафтари; Чакана савдо қоидалари; «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, истеъмолчилар учун зарур бошқа ахборот эътиборга ҳавола этиладиган «Истеъмолчи бурчаги» бўлиши **шарт**. Фармацевтика бозори субъектларига савдо қоидаларини бузиш оқибатлари, шунингдек Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органларига тушунтириш сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаликлари ҳақида маълумот берилди.

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун кўрсатма (огоҳлантириш) бериш, лицензиядан маҳрум қилиш, маъмурий жарима, жиноий жазо назарда тутилган. Хусусан, дори воситалари ва тиббиёт буюмла-

январидан бошлаб 15%дан ортиқ бўлмаган устама билан сотилиши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида дори-дармон воситаларини сотишда белгиланган улгуржи ёки чакана нархлар тасдиқланганидан қуйи эътиб қўлла- ниши мумкин.

рига нарх белгилаш тартибини бузганлик; яроқлилик муддати ўтган, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган дори воситаларини сотганлик; истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида маълумотларни тақдим этмаганлик; реклама қилиниши тақиқланган маҳсулотларни (яъни рецептга кўра берилиши лозим бўлган дори воситаларини) реклама қилганлик Қўмита томонидан иш қўзғатилишига ҳамда материалларнинг суд ва лицензияловчи органларга топширилишига олиб келади (МЖТКнинг 165-1, 178, 178-1-моддалари; ВМнинг 12.10.2005 йилдаги 225-сон, 28.10.2010 йилдаги 239-сон қарорлари).

Дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларининг энг кам рўйхати мавжуд эмаслиги; нархларни белгилаш (энг юқори устамаларни қўллаш) тартибига риоя этмаслик, шунингдек сифатсиз, шу жумладан яроқлилик муддати ўтган, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори-дармонларни сотиш лицензия талабларини қўпол равишда бузиш деб баҳоланади ва назорат органи лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳақида ҳўжалик судига даъво тақдим этиши учун асос ҳисобланади («Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси).

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, ўтказиш, шунингдек лицензия олинмиши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шугулланиш ЖКнинг 186-3 ва 190-моддаларига мувофиқ жавобгарлик белгиланган.

Таъминотчилар ва улгуржи савдо корхоналари маҳсулот етказиб беришда (шартнома тузишда) фэйриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этганда ва асоссиз талаблар қўйганда, шунингдек назорат органлари, ҳокимият органлари, идоралар ёки нодавлат жамоат ташкилотлари тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашганда фармацевтика корхонаси белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адлия органлари, судга мурожаат қилишга ҳақли.

Фармацевтика бозори субъектлари савдо устамаларини қўллаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама масалалари юзасидан Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишлари мумкин.

Дилшод Азимов, Давлат рақобат қўмитасининг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИКЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

Меҳнат вазирлиги 30.12.2016 йилдаги 02-05/3926-сон

2017 йилги иш вақти давомийлигининг ўзгаргани тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги Ф-4772-сон Фармойишига мувофиқ, 2017 йил 2 январь – душанба дам олиш кунини деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 2016 йил 31 октябрда 02-05/3196-сон билан белгиланган 2017 йилги иш вақти давомийлиги куйидаги ўзгартиришлар киритилади:

Беш кунлик (40 соатли) иш ҳафта-

сида иш вақти давомийлиги куйидагича бўлади:

январь учун – 168 соат; 1-чорак учун – 494 соат; 1-ярим йиллик учун – 997 соат; 9 ой учун – 1 508 соат; йил учун – 2 019 соат.

Олти кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида иш вақти давомийлиги куйидагича бўлади:

январь учун – 167 соат; 1-чорак учун – 492 соат; 1-ярим йиллик учун –

997 соат; 9 ой учун – 1 508 соат; йил учун – 2 020 соат.

Олти кунлик (36 соатли) иш ҳафтасида иш вақти давомийлиги куйидагича бўлади:

январь учун – 150 соат; 1-чорак учун – 442 соат; 1-ярим йиллик учун – 897 соат; 9 ой учун – 1 357 соат; йил учун – 1 818 соат.

Беш кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони куйидагича бўлади:

январь учун – 21 кун; 1-чорак учун – 62 кун; 1-ярим йиллик учун – 125 кун; 9 ой учун – 189 кун; йил учун – 253 кун.

Олти кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони куйидагича бўлади:

январь учун – 25 кун; 1-чорак учун – 74 кун; 1-ярим йиллик учун – 150 кун; 9 ой учун – 227 кун; йил учун – 304 кун.

Меҳнат вазирининг ўринбосари Б.НИЗОМОВ.

Меҳнат муҳофазаси бўйича кириш, бошлангич ва давраий инструктаж ўз вақтида ўтказилмаганда юридик ва жисмоний шахсга нисбатан қандай маъмурий чоралар қўлланади?

А.Умаров.

Меҳнат муҳофазасига жиддий ёндашинг!

– Инструктаж ўз вақтида ўтказилмаганда юридик шахснинг жавобгарлиги бекор қилинган.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг олдинги таҳририда (25-модда) **корхоналар меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги (шу жумладан техника хавфсизлиги бўйича ўз вақтида инструктаж ўтказилмаганлиги) учун** ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий сўғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича маблағлар ажратиши тарзида жавобгарлик назарда тутилган. Бироқ 23.12.2016 йилда қучга кирган мазкур Қонуннинг янги таҳририда бундай жавобгарлик чораси мавжуд эмас.

Жисмоний – мансабдор шахс томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши (шу жумладан ўз вақтида инструктаж ўтказилмаганлиги) ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 49-моддаси). Агар вояга етмаган шахс билан инструктаж ўтказилмаган бўлса, жарима миқдори ЭКИХнинг 10 бараваригача оширилиши мумкин.

Шуни инобатга олиш лозимки, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этмаслик ишлаб чиқаришда майиб бўлишга олиб келиши мумкин. Иш берувчи эса ходимга унинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши тўғрисида етказилган зарарни бўлса ҳам қамжур (Қоидалар, ВМНМ 11.02.2005 йилдаги 60-сон қарорига 1-илова). Агар ходимга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилган бўлса ёхуд унинг ўлишига сабаб бўлса, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахс ЭКИХнинг 25 баравари миқдоридан жаримадан тортиб 5 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача жазони назарда тутувчи ЖКнинг 257-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар ходим маст бўлса

Иш берувчининг расмий хатига ва ходимларнинг розилигига қарамай, наркологик диспансер корхона ходимларини алкохолли ичимликлар, гуёҳвандлик ёки заҳарвандлик воситаларидан мастлигини текширишдан бош тортмоқда. Диспансер ходимларининг айтишича, улар фақат ички ишлар органларининг ходимлари мурожаатига кўра текширув ўтказишга қўйиб қўлади. Бундай ҳолларда кимга мурожаат этиш лозим?

А.Умаров.

– Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ходимнинг иш пайтида алкохолдан мастлиги далилини икки хил усулда: гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки тиббий ҳулоса билан тасдиқлашга йўл қўйилади (АВ томонидан 14.06.1999 йилда 746-сон билан рўйхатдан ўтказилган Намунавий қоидаларнинг 2.38-банди).

Саволингизда дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилмайдиган ишларда банд бўлган ходимлар ҳақида сўз бормаётганга ўхшайди (МКнинг 214-моддаси). Бундай ходимлар учун меҳнат интизоми бузилганлиги ҳақида далолатнома тузиш кифоя, унда ушбу далилни икки ёки ундан ортиқ гувоҳлар ўз имзолари билан тасдиқлайдилар. Бунда ходимнинг ўзи алкохолдан маст эканлиги далилини тан олиши шарт эмас.

Агар ходим алкохолдан маст эканлиги далилини рад этса, гувоҳлар эса бунга шубҳа қилсалар, **иш берувчи ходимни мажбурий тиббий текшириш учун йўллашга ҳақли эмас.** Иш берувчининг бундай ҳуқуқи ҳеч қачон қайд этилмаган, фуқаро эса тиббий аралашувни, шу жумладан тиббий текширувни

рад этиш ёхуд қонунда бошқача тартиб тўғрисидаги назарда тутилмаган бўлса, унинг тўхтатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга («Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 27, 28-моддалари). МКнинг 214-моддасида фақат тиббий кўрикдан мажбурий ўтиш шарт билан ишга қўйиш назарда тутилган ҳолларда ҳам мажбурлашга рухсат берилмайди.

Бинобарин, фуқаро ўз номидан тиббий муассасага мурожаат қилиши лозим. Наркологик диспансерга умумий тартибда мурожаат этиш керак, тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқарони қабул қилишни рад этишга ҳеч ким ҳақли эмас. Диспансердан ташқари, яшаш ёки иш жойидаги даволаш-профилактика муассасасига бориш мумкин. Беморнинг амбулатор картасида умумий тартибда ўтказилган тиббий кўрик маълумотлари қайд этилади. Бундан ташқари, алкохолга қарамлик натижасида келиб чиқадиган касалликлар (шу жумладан кенг тарқалган алкохолдан заҳарланиш) ва жароҳатларда, шунингдек мастлик натижасида олинган жароҳатларда мастлик ҳолати бўйича меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси рас-

мийлаштирилади (АВ томонидан 17.04.2015 йилда 2667-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқноманинг 3, 20-бандлари).

Меҳнат мажбуриятларини бажариш ходимнинг ўзига ёки атрофдагиларга зиён етказадиган ҳолларда ички ишлар органларига мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш мумкин, улар жамоат жойларида:

○ алкохолдан ўртача ёки оғир маст бўлган ҳолатдаги;

○ мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган;

○ ўзига ёки атрофдагиларга зиён етказиши мумкин бўлган шахсларни махсус реабилитация ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига етказишлари шарт.

Бунда мастлик далили тиббий кўрикдан ўтказиш ва кўздан кечириш баённомасида ёки касаллик тарихида (реабилитация пунктида бўлиш вақтига боғлиқ – тегишинча, 12 соатгача ёки ундан ортиқ) қайд этилади (АВ томонидан 18.07.2001 йилда 1050-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

Юридик шахсларнинг сўровига ёхуд фуқароларнинг мурожаатига кўра алкохолдан мастлик далилининг тиббий экспертизасини ўтказишга биронта тиббиёт муассасаси ҳақли эмас. Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажри уни ўтказиш асосларидир («Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси). Шу муносабат билан наркологик диспансер амбулатор карталардан ёхуд касаллик тарихидан кўчирмалар билан чекланиб, мастлик ҳолати ҳақида ҳулоса беришни рад этиши мумкин.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоғ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма 788. Адади 1 150. Газета 2017 йил 23 январь соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.